

ЕР РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Сафаев С.З., Сайитмуродова М.С. – ТИҚХММИ магистрантлари

Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини изчил амалга оширилиши, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштирилиши ва ривожлантирилишида республика ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатининг амалга оширилиши масалаларининг муаммоларини ечилишига имкониятлар яратиб, алоҳида эътибор қаратилишини таъминлаш тўғрисидаги масалалар ёритиб берилган.

Халқимизнинг — "Ерни боқсанг, у сени боқади" деган ибратли мақоли замирида чуқур маъно мужассам. Чунки экин учун қулай ва унумдор ер қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда республикада суғориладиган ерлар 4,31 миллион гектарни ёки умумий майдоннинг 9,7 фоизини ташкил этади. Уларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90% етиштирилади. Экин майдонларини соз ҳолатга келтириш ва ер ости сизот сувлари сатҳини меёрида ушлаб туриш ишлари 141 минг километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоғи, 3475 та зах қочириш қудуғиҳамда 123 та мелиоратив насос станцияси орқали бажарилади. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан мамлакатимизда ерни муҳофаза қилиш, айниқса, экин майдонларини яхшилаш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги куннинг замон талабидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир соҳага янгича ёндашув кераклиги ҳаммамизга аён дир. Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг "Ердан оқилонга фойдаланиш ва муҳофаза қилиш назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017-йил 31-майдаги ПФ-5065-сон Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-

3024-сон қарори ер ресурсларидан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш асосларини яратиш, ривожланишнинг кейинги босқичини бошлаб берди[1].

Жумладан мамлакатимизда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Бу жараённинг амалий натижалари белги ва хусусиятлари бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида энг муҳим ҳаракатларида яққол кўзга ташланмоқда.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатларини тартибга солишни такомиллаштириш, суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, енг аввало сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш кўзда тутилган[2].

Ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, ер тузиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ҳисобга олиш ҳамда баҳолашни такомиллаштириш, давлат бошқарув органларининг юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш тупроқ унумдорлигини оширишни таъминлаш соҳасида фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлашда қуйидаги муҳим йўналишларни ривожлантириш лозим:

- қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва ер муносабатларини тартибга солинишини такомиллаштиришни амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш;

- қишлоқ аҳоли яшаш пунктларидаги ер майдонларини, улар тўғрисида ер кадастри ахборотларини шакллантириш учун рўйхатдан ўтказишни мунтазам равишда ташкил этиб бориш;

- барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи юридик ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибда таъминлаш;

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш;

- ер соҳасида амалга оширилган ишлар натижаларининг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, ердан оқилона ва самарали фойдаланиш мавзуида соҳадаги мутахассисларнинг билимларини ҳамда малакаларини ошириш мақсадида, улар иштирокида доимий ўқув- амалий семинарларни ташкил этиш;

- замонавий талаблар даражасида ер мониторингини олиб бориш, маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва сифатини таъминлаш мақсадида ер тузиш органларидаги мутахассисларни замонавий технологиялар, дастурлар ҳамда геодезик ўлчов асбоблари билан таъминлаш;

- автоматлаштирилган ер маълумотлари тизимини яратиш, юритиш ва такомиллаштириш;

- янги технологиялар, илмий ишланмалар, услубий қўлланмаларни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш;

- вилоят, туман, шаҳар, қишлоқларни ташкил қилувчи маъмурий-худудий чегараларни жойининг ўзида аниқлаш (аниқлик киритиш), белгилаш ва ўрнатиш ишларини белгиланган тартибда (чегара белгилари ва ҳужжатлари асосида) расмийлаштириш;

- суғориладиган ерларнинг электрон хариталарини яратиш ва янгилаб бориш ҳамда тупроқ бонитировкаси ишларини белгиланган тартибда бажариш;
- давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бўлган манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан бўлган фаолиятни мувофиқлаштириш;
- кўчмас мулк объектларининг шакллантиришга доир дастурларини ишлаб чиқилишини таъминлаш[3];

Хулоса

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатларини тартибга солинишини такомиллаштириш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини изчил амалга оширилиши, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштирилиши ва ривожлантирилишида республика ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013-йил 19-апрелдаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича 2013-2017 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Тошкент “Адолат” 2017-йил
3. “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида” Миллий ҳисобот 2017-йил

Илмий раҳбар

Ў.П. Исломов